

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.


№ 274 (7. 363)

1990 йил 30 ноябрь, жума

Баҳаси 3 тинги



КАСАБА УЮШМАСИ СОВРИНДОРЛАРИ



«ШАРҚ гули» бадий буюмлар фабрикасининг 8-дехида турли аҳоли эҳтиёжини қондирувчи раиғ-баранг маҳсулотлар ишлаб чиқаришда тажриба Хозирда бу ерда тайёрланаётган маҳсулотларнинг 70 фоизини янги турдаги буюмлар ташкил этади.

мукофоти ҳамда корхона кўчма Қизил Байроғи топирилди. Бу дехда асосан кўрпа, ёстиқ жилдларини боғча ёшидаги қизларга мўлжалланган кўйлакчалар, хотин-қизлар учун замонавий хом ашёлардан костюмлар тайёрланади.

Маълумки, сифати кўнтилгандин бўлса ўша маҳсулотга бўлган талаб ортади. Харидорнинг буюмларнинг янги намуналарини тайёрлашда тажриба дехида меҳнат қилаётган жамоанинг хиссаси катта бўлади. Буни ҳар ойда нахлараро йиқилиш борлаётган мусобақалар натижасидан ҳам кўриш мумкин.

Голуб дехда тўрт бригада меҳнат қилади. Мусобақада режаларнинг ба- жариллиши, меҳнат интизомини, тозални ва сифат ҳисобга олинади.

Сўнгги ой якунига кўра машинада кашта тишиш дехи жамоаси голуб дех топида ва унга 2 минг 300 сўм пул

фотланди. Цехнинг йиллик ишлаб чи- қариш режаси 12 миллион сўмдан зиёд. Жамоаниз бу топириқини ор- тини билан 27 декабрда бажариш- га қонил ишонч билан қарамонда.

Яна бир кувончи воқеа: бу корхона бўйича 15 ишчи Бутуниттifoқ ка- саба уюшмасининг совриндори бўлди. Уларнинг ҳар бирига 200 сўмдан пул мукофоти ва совриндорлик иш- шони берилди.

Маҳмудова: янги «Таяма» номли япон автоматик тикув машинасини ком- сомол азоси Рустам Узоқов бошчи- ра муваффақиятли ўзлаштирмоқ- да; голуб чиққан кашта тишиш дехи тикувчилари (чапдан ўнгга) Раёно Худойберганова, Малоҳат Охунжоновна, Гулнора Шермухамедова, уста Маъ- фура Абдусаломова ва Шаҳноза Со- лиқовалар кўлга киритилган кўчма Қизил Байроқ олдда туришибди.

Х. МИРЗАКАРИМОВ, СУРАТЛАРДА: тикувчи Хафиза

Муаллиф суратлари.

Ўзбекистон Компартияси Ҳаракат дастури ва Устави лойиҳалари—муҳокамада

МУШКУЛ ДАМЛАРДА ҲАМ СОДИҚМИЗ

Тошкентдаги «Юдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти бу йил ўз сафларига ўн саккиз кишини қабул қилди. Унинг таркибидан саккиз киши чиқиб кетди.

Улар фақат ўз цехларида яхши ишлаш билан чекланишмайпти, кўншиларга ёрдам бериш лозим бўлиб қолганида улар мах- сул бригадага тузишди. Бу бригадада ёш партия азоси, технолог З. Юнусова ҳам кирди. Ҳамкасбларнинг иши билан тани- шиб чиққач, технология закирини ўзгар- тириш керак, деган хулосага келишди. Бу ерда айрим ускуналарнинг ўрнини алмаш- тириб, технология жарафини такомиллаш- тиришди. Цех шу ойдаёқ режани бажар- ди. Иш тўхтаб қолмаслиги учун беш юз дона ярим тайёр маҳсулот ҳамлаб қў- йилди.

Еш коммунистлар ўзлари ҳақида гапи- ришни унча хуш кўрмайдилар, уларнинг фикрича ҳозир кишидан асосан ҳалол меҳнат, интизом ва масъулият талаб қи- линмоқда. Лекин улар ўзлари ҳурмат қи- ладиган ўртоқлари ҳақида узоқ гапириш- лари мумкин.

— Албатта, мен коммунист бўлмаган- нимда ҳам ёрдам берадими, — деб давом эттирди сўхбатни З. Юнусова. — КПСС сафига кирар эканман, партияга қўлимдан келганча ёрдам бераман.

Л. Панова бир вақтлар иккита чоғроқ цехни бирлаштириш ташаббусини бўлиб чиққан эди. У бу дехга бошчилик қилиб ишни шундай ташкил этдики, натижада жамоа режани бажарибгина қолмай, мун- тазам равишда ошириб адо этмоқда.

Корхона ходимлари А. Стотланд, А. Азимов, М. Исмолова ва бошқалар ҳам шундай мақсад билан коммунист бўлишди. Бирлашма касабаси уюшмаси комитети- нинг Бухгалтери А. Стотланд мана икки йилдирки, Москвада касабаси уюшмаси ака-

БИРИ-БИРИДАН НАФИС

«УЧҚУН» тўқимачилик- атторлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўн бир ойлик ре- жани муддатдан олдин адо этди. Бугунги кунда бирлашма- да бири-биридан чиройли ўн хил кўринишдаги рўмоллар тайёрланаётган бўлиб, ҳақида ана шу маҳсулотларнинг тур- яна биттага кўпайдиган. Чиройли кўринишга эга бўлган бундай рўмоллардан корхонада ҳар кун 50 минг дона тайёрлан- моқда. Ҳозир бирлашмада бир кунда 97 минг сўмлик маҳсу- лот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Маҳсулотларни сифатли қилиб тайёрлашда Швеция ва бошқа хорижий мамлакатлардан келтирилган жиҳазлар катта ёрдам бер- моқда.

Ўзбекистон ССЖ Президенти И. Каримовнинг «Жум- хурият ёшларини армияга қақаришни ва уларнинг ҳар- бий хизмати ўташни такомиллаштириш чоралари тўғ- рисида»ги Фармонида Ўзбекистондан қақарилган йигит- лар хизмат қилаётган ҳарбий қисмларга оталиқ қилиш шиларини қулайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган, шунингдек жамоатчилик, уруш ва меҳнат ветеранлари вакилларининг ҳарбий бўлинмаларга мунтазам бориб ту- рилиши ташкил этиш кўрсатиб ўтилган.

Яқинда Ўзбекистон делегацияси Кавказорти ҳарбий округи қисмларида бўлиб қайтди. ЎзТАГ мухбири делегация бошлиғи, Ўзбекистон ССЖ халқ депутати Н. Ф. Бурханов билан сўхбатлашди.

— Бизнинг ҳарбий қис- ма сафаримизнинг асосий мақсади ҳамюртларимиз- нинг ҳолидан хабар олиш, ҳозирги вақтда армияда со- дир бўлаётган батзи бир кўнглисиз воқеаларнинг тақ- рорланганига йўл кўймак- ликдан иборат эди, — деди Икромиқон Гуломович. Биз тўрт кун мобайнида Тбилис шаҳри ва округ- нинг бошқа ҳарбий қисмла- рида бўлдик. Ўзбекистонлик йигитлар, уларнинг коман- дирлари ва сиёсий бўлим- ларнинг бошлиқлари билан учрашувлар, сўхбатлар ўт- каздик.

— Ҳамюртларимизнинг турмуш шароитлари қандай? — Уларнинг турмуш ша- ронти ёмон эмас. Бизлар бир неча кун аскарлар ка- зармасида яшадик. Хоналар саранжом-саранжом, йигит- ларимизга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари ҳам дуруст йўлга қўйилган. Биз ҳарбий қисмага ўзи- миз билан жумхуриятимизда чоп этилган бир қанча нашрларни, жумладан «Со- вет Ўзбекистони», «Қишлоқ- ҳақиқати» рўзномаларни ҳам-

демиясида сирдан ўқинмоқда. — Мен у ерда сўнгги бор бўлганимда, — деб ҳикоя қилади у, — айрим муал- лимлар партияга ўтиш учун шошилмаслик- ни маслаҳат беришди. Замон отичи, ша- мол қаёққа эсиб қолши номалўм, дей- шишди. Номзодлик стажим ўтиб бўлгани- дан кейин, мен ариза ёздим. Мен бун- дан афсусланмайман. Ўзбекистон Компар- тияси жумхуриятдаги барча соғлом куч- ларни ўз атрофида бирлаштиришга қодир бўлган ягона реал сиёсий куч эканлигига ишончим комил. Умумхалқ муҳокамаси учун мабултода эълон қилинган партия ҳужжатлари ҳам шундан далолат бер- моқда.

В. ДРАЧЕВ, ЎзТАГ мухбири.

— Ҳа, бизнинг делегация таркибиде Андикон вилоятининг Марҳумат ноҳияси- дан Аҳволи Мансуров ҳам бор эдилар.

Қисмларнинг бирида Андикон вилоятдан йигитлар ҳам хизмат муддатини ўта- ган эканлар. Олдин аскар- лардан Мадор Собиров, Насибжон Олимов, Расул Ота- жонов, Наврўзбек Мансуров ва бошқалар шулар жумла-

маган айрим муносабатлар, «оқсоқолчилик» кўриниш- лари борлиги ҳам маълум бўлди.

Биз қисм командири ва сиёсий бўлимларнинг бошлиқларидан ана шу муаммо ҳамда намчиликларни теда тугатиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кў- ришлигини талаб қилдик. Зарур ҳолларда юрдошларимизнинг хизмат қилиш жоийни ўзгартиришларига ҳам қўмақлашдик. Айрим ёшлар Кавказнинг қилми шаронти туфайли саломат- лиги ёмонлашганлигини ай- тишди. Уларни қайта тиббий куридан ўтказиш ҳақида тегишли кўрсатмалар бе- рилди.

Сўхбатлар чоғида кури- лган қисмда хизмат қила- ётган айрим йигитлар ўз иш- жоилиридаги шароитнинг ёмонлиги ҳамда меҳнатлари- га яраша ҳақ ололмаётган- ликларини билдирдилар. Уларнинг бу шикоятларини тўғрида ҳарбий қисм коман- дирлари ва сиёсий бў- лимларнинг бошлиқлари ха- бардор қилинди. Шуну ҳам таъкидлаш керакки, биз ҳарбий қис- ма бўлган пайтимида коман- дирлар Ўзбекистондан армияга қақарилган ёшлар ҳақида, уларнинг ўз вази- фаларига масъулият билан ёндашаётганликлари, меҳ- натсеварликлари, интизом- ликлари ҳамда тарбия кўрганликлари тўғрисида ўз- ларнинг яхши фикрларини билдирдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ.

Ўзбекистон ЛКЖИ XXIV съезди

Кеча Тошкентдаги Санг- ат саройида Ўзбекистон ЛКЖИ XXIV съезди ўз ишнин давом эттирди.

Делегатлар эрталаб муам- молар бўйича марказларда ишладилар. Тушдан кейин улар алли мажлисига йиғил- дилар.

Съезднинг кечкурунги мажлисида Ўзбекистон ЛКЖИ Марказий Кўмитасининг ва Ўзбекистон ком- сомолни Марказий Назорат Комиссиясининг янги таркиблари сайланди. Де- легатлар бир овоздан Азиз НОСИРОВНИ Ўзбекистон ЛКЖИ Марказий Кўмитасининг биринчи котиби этиб сайладилар.

Съезд ишида Ўзбеки- стон Компартияси Марка- зий Кўмитаси Бюросининг аъзолари А. С. Ефимов, Ж. Х. Хамидов, Р. А. По- лов, КПСС Марказий Кў- митасининг йуричиси Е. А. Новожилов ўртоқлар қатнашмоқдалар.

Съезд ўз ишнин давом эттирмоқда.

Президент Кенгашининг мажлиси

28 ноябрь куни Ўзбеки- стон ССЖ Президент Кен- гашининг мажлиси бўлди. Мажлисида Ўзбекистон мил- лий-маданий марказлари- нинг фаолияти ва уларнинг ишнин такомиллаштириш тадбирлари кўриб чиқилди. Жумхуриятда ҳозиргача 35 та мана шундай марказ тузилганлигини, улар Ўз- бекстонда ишаб турган миллат ва азатларнинг мада- ний талаб-эҳтиёжларини қон- дитришга қўмақлашувганини нотийқлар таъкидлаб ўтиш- ди. Уларнинг ишнин муво- фиқлаштириб туриш учун ҳукуматнинг талабига бино- ан жумхурият миллатлараро маданий маркази барпо этилди.

Ўзбекистон ССЖ Прези- денти И. А. Каримов бай- налмилад тарбия, халқлар ўртасида дўстлик, ишонч ва ҳамжихатликни мустаҳ- камлаш иши миллий-мада- ний марказларнинг энг му- ҳим вазифаларидан бири бўлиб қолиши кераклигини таъкидлади. Шу мақсадда бу марказлар биргаликдаги тадбирларни кўпроқ ўткази- ши, ўзаро фаол ҳамкорлик қилиши лозим.

Жумхуриятда ишаб тур- ган миллий гуруҳларнинг маданий талаб-эҳтиёжлари- ни қондирин ишнин тако- миллаштириш учун халқ де- путатлари маҳаллий Совет- ларига, жумхурият вазир- ликлари ва идораларига, партия ва бошқа жамоат ташкилотларига аниқ шарт- шароитга қараб бу соҳадати муаммоларини ҳал қилишнинг

фаол чора-тадбирларини қў- риш тасвия этилди. Шу куннинг долзарб му- аммоси — Иттифоқ шартно- маси дойиҳасига Ўзбеки- стон ССЖнинг тақсифлари Президент Кенгаши мажли- сининг қўл тартибига ало- ҳида банд қилиб киритилган эди.

Президент Кенгашининг аъзолари Иттифоқ шартно- масининг, ҳозирги лойиҳа- си пухта ишлаб чиқилиши керак, деган фикрини билдири- дилар. У замон талабларига кўпроқ даражада мос бўли- ши, жумхуриятларнинг энг муҳим манфаатларини эъ- тиборга олиши керак.

Ўзбекистон ССЖ Прези- денти бу масалада жумху- риятнинг фикри битта, у ҳам бўлса — Иттифоқ шарт- номаси «юқоридан» туши- рилиши мумкин эмас, у жу- хуриятлар ўз ишонининг маҳсули бўлиши лозим, деб таъкидлади. Бу ҳужжат бир томондан, ўнча кирувчи барча жумхуриятларни бир- лаштирадиган негизга эга бўлиши, иккинчи томондан эса, етарли даражада пухта бўлиб, Ўзнинг барча аъзо- лари учун энг маъбул шак- ли талаб оlishи имконияти- ни кўзда тутиши керак.

Мажлисида Президент Кен- гашининг ҳолати, кенгаш фаолиятининг асосий йўна- лишлари тўғрисидаги ма- салалар ҳам кўриб чиқилди. Президент Кенгашининг аъзолари Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Нороқовнинг иштироки билан бўлди.

(ЎзТАГ).

ТО Бугунги кун нафаси

ЖУМХУРИЯТИМИЗДА

Янгиёул шаҳар мактабларининг аъло баҳоларга ўқиётган 40 нафар юқори синф ўқувчиси ойига 15 сўмдан стипендия олапти. Бу стипендияларни ном маҳсулотлари ва «Леззети бирлашмалар», 2503-автобаза, 2-босмаҳона ва бошқа оталиқ ташкилотлари тўлапти.

МАМЛАКАТИМИЗДА

ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг 28 ноябрь куни Кремлда мамлакат маданият арбоблари билан учра- шувида мамлакат иқтисодий турмушида маданиятнинг гоят муҳим нақар тўғрисида, қайта кўришнинг тўб бурилиш диварида иқодор зиёлиларнинг энгиланиш жарафинга таъсирини ҳақида ошқорла қиларилиб олинди.

КПСС Марказий Кўмитаси Сиёсий бюроси Литва ССЖда демократияга қарши ҳатти-ҳаракатлар қилнаётгани ва инсон ҳуқуқлари бузилаётганини тўғрисида баёнот қабул қилди.

КПСС Москва шаҳар ташкилотининг XXVIII кон- ференцияси иккинчи босқичида ҳисобот маърузаси қилган шаҳар партия кўмитасининг биринчи котиби Ю. Прокофьев келгуси йилда КПССнинг навбатдан ташқари съездини қақчириш тақлиф этди. Унинг фикрича, бу съездеда КПСС янги дастурини қабул қилгандан сўнг партия аъзоларини қайтадан руҳиятдан ўтказиш ва партия билетларини алмаш- тириш лозим.

ХОРИЖДА

Ироқ-бирлашган Миллатлар Кўмитаси Хавфсизлик кенгаши қандай қарор қабул қилмасин, уни бажармаслигини баён қилди.

Халқаро жамоатчилик трибунали Форс кўрғазиндаги танглик учун АҚШ президенти Ж. Буш ва Америка сиё- сатини суд қилиш иштинин билдириди. Бу трибунал маж- лисини Жозеф пойтхтида 10-12 декабрда ўтказиш мўл- жалланапти.

Бугунги кун нафаси

БИЛДИРИШ

37-Қорақамиш сайлов округидан Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари сайловини ўтказувчи округ комиссияси округ маркази Қорақамиш 2/4 мавзесидаги 242-мактабда жойлашганлигини маълум қилди.

Комиссия раиси — Мирзааҳмад Ҳамитович Ҳамитов — «Осокводстрой» табоаб-санитария қисми бош врачси. Раис ўринбосари — Зокиржон Мирзааҳмедович Юсу- пов — Тошкент подшипникларини таъмирлаш заводи ди- ректори.


Комиссия котиби — Нина Ивановна Вагина — чинин заводи касабаси уюшмаси кўмитасининг раис ўрин- босари.

Комиссия аъзолари: Шохида Атамовна — 33-поликлиника бош врачси. Саидхамд Кулаҳмедович Обидов — 106-маҳсул мактаб-интернат директори. Дилором Муҳиддиновна Аҳмедова — 119-мактаб ўқитувчиси.

Рихсонбой Маҳсудов — 7-стоматология поликлиника- си бош врачининг ўринбосари. Анвар Гуломович Султонов — 16-мактаб ўқитувчиси. Ҳакимжон Хошимов — 22-мактаб директори.

Округ сайлов комиссиясининг иш тартиби: ҳар кун соат 10 дан 19.00 гача, шанба кун соат 10.00 дан 15.00 гача, яшанба кун 10.00 дан 13.00 гача иш- лайди.

Округ сайлов комиссияси.



Шаҳримиздаги «Полимер» ишлаб чиқариш бирлашмасининг опера- тор Эркин Отамухамедовнинг ном- ини жамоа ахли ҳурмат билан титла олади. Чунки у ўзаро мусобақада пеш- қадамликни бермай келётган мураб- бий ишчлардан саналади. Т. Каримов сурати.



«Малिका» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида жуда кўп қўллаб-қўлланувчи ишчиларнинг бири Тўқуевич Сурайё Эргашевдир. У 20-сентябрда ишлайди.



«ССЖИ 50 йиллиги» номли Тошкент грактор заводи 16-цехининг илгор ишчиларидан цех бригадирини Мурод Оридурийн, кўп йиллардан бери меҳнат қилаётган Шавкат Мамадалиев ва Эшмамат Холқуловлар ишдан бутун жамоа мамнун бўлмоқда.

И. Шербек суратлари.

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА ҚЎШИМЧА НАФАҚАЛАР

Мағбуотда илгари хабар қилингандек, ССЖИ Олий

Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши «Бозор иқтисодиётига

ўтиш муносабати билан болали оилаларини иқтимоий муҳофаза қилиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»

қарор қабул қилган эди. Бундан ташқари кейинги пайтларда Ўзбекистон ССЖ Президенти Н. А. Каримов кўп

болали оилаларга, уруш ветеранларига ва кам таъминланган оилаларга қўшимча имтиёзлар берувчи бир қанча

фармонлар чиқарди. ЎзТАГ мухбири Ўзбекистон ССЖ

иқтимоий таъминот вазирини С. А. Хўжаевдан назарда тутиб қандай амалга оширилишини тушунириб бериш

ни илтимос қилди.

— Иттифоқ ҳукумати қарор қилган қарорлар, жумладан Президентнинг фармонлари аввало аҳолининг моддий яхиятидан яхши таъминланган қисмига иқтимоий нафолатлар бериш учун хизмат қилади. Шу йилнинг биринчи декабридан бошлаб фарзанд кўрган ҳар бир оила энг кам иш ҳақидан уч баравар кўп миқдорда — 210 сўмлик бир марта тўланадиган нафақа олади (бунда оиланинг даромиди аҳолининг умумий даромиди билан тенг бўлади). Шу кундан бошлаб бир қанча оиланинг умумий даромиди кўрсатилган ҳужжатларини таъминот бўлимида тақдир қилишга рухсат берилади.

Иккинчи нафақа болали оилаларга ҳар бири учун ҳар ойда энг кам иш ҳақидан 50 фоиз миқдорда, яъни 35 сўмдан нафақа тўланадиган нафақа тўлашга ҳақли бўлади. Тўғри, бунда оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача даромад 140 сўмдан ошмаслиги лозим.

— Илтимос, шу нафақаларни олиш учун қандай ҳужжатлар билан қарама-қаршиликни кераклигини тушунириб беришга? — Бир марта ёки ҳар ойда тўланадиган нафақани олиш учун онанинг иш (қўши) жойига, агар у ҳеч қандай ишга ишлаган бўлмаса, унда отасининг иш ёки ўқиб жойига мурожаат қилиш керак. Агар ота ҳам, она ҳам ҳеч қандай ишга ишлаган бўлмаса, нафақани оила яшайдиган жойдаги иқтимоий таъминот идораси таъинлайди ва тўлайди. Нафақаларни олиш учун бўлиб қолган ҳужжатлар: бола туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, оила неча кишидан иборатлиги, оиланинг аҳолида яшовчи болалар тўғрисидаги оиланинг ўтган йилдаги даромади унинг ҳар бир аъзосига қанчадан тўғри келганлиги ҳақидаги маълумотнома-лар таъминот этлишини керак. Дарвоқе, бу йил оиланинг 1990 йил 11

— Пенсияларнинг айрим тоифалари учун пенсия таъминоти тўғрисидаги янги қонун кучга киритилган. Жумладан, 1 октябрдан бошлаб Улуғ Ватан уруши ноғиронлари ва иштирокчиларининг, шунингдек ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг пенсиялари миқдори оширилади. Янги йилдан бошлаб ноғирон болали (I ва II гуруҳ ноғирони бўлиб туғилган болали) оналарга улар 50 ёшга тулган вақтдан бошлаб пенсия берилади ва болани парвартириш учун кетган вақт меҳнат стажига қўшилиши.

Кўпгина Қаҳрамон оилалар бола боқиб билан банд бўлганликларига тўғрисида меҳнат стажига эга бўлишмоқда. 1991 йил 1 январдан бошлаб улар 70 сўмлик қариллик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундан ташқари етим болаларга тўланадиган пенсиялар қайта ҳисоблаб чиқилади. Ҳар бир болага тўланадиган пенсия ҳам 70 сўмдан кам бўлмаслиги лозим.

Умуман меҳнат стажига эга бўлмаган қариялар ҳам нафақа олишади. Келаси йилдан бошлаб янги қонунга биноан уларга иқтимоий пенсия бериш кўзда тутилган. Ноғиронлар, шу жумладан ноғирон бўлиб туғилганлар, шунингдек 65 ёшга етган эркаклар ва 60 ёшга етган аёллар, боқувчисидан айрилган болалар ана шундай пенсияни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Жумхуриятимиз Президентининг фармонлари тўғрисида шу йилнинг ўзидеёқ бир миллионга яқин қария, ноғирон ва кўп болали оила эгаси моддий аҳолини яхшироқ қўллаб-қўллагани билан, кўп болали оилаларга тўланадиган нафақа икки баравар ошди. Илгари бу нафақа 1944 йилда қабул қилинган фармон асосида тўланади. Жумхурият маблағи ҳисобидан тўлашга эга бўлган қарияларга тўланадиган пенсиялар 17 сўм 50 тиындан 60 сўмга оширилади. Ёлғиз қарияларга бериладиган нафақа миқдори ошди, ҳалок бўлган жағичларнинг оилаларига тўланадиган пенсия 20 сўм кўпайтириди.

Октябр ойидан бошлаб муаддатли ҳарбий хизматни ўтаётган чоғда жароҳатланган тўғилган ноғирон бўлиб қолганларнинг пенсияси оширилади. Армияда хизмат қилаётган ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг пенсияларига ҳам қўшимча тўловлар белгилади. Бундан оиланинг шу ҳарбий хизматчи қиёқовида бўлган ва меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзоси учун пенсияга қўшимча равишда оилга 30 сўмдан берилади.

Бозор иқтисодиёти бўсағасида

УРТА Осн кабеллар ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Алоқачи» саноат ширкати келгуси йилдан бошлаб рангли металлларни иккиламчи ишлаб чиқаришга тошйрадиган чиқиндилар ҳажмини 80 фоизга каймайтиради.

Ҳисоб-китобларга қараганда ширкатда ҳар ойда 20 тонна ярымсиз маҳсулот чиқарилади. Шунинг кўп қисmini мис ташкил этади. Саноат учун зарур бўлган хом ашёни иккиламчи ишлашга тошйради. Тармоқ мутасаддиларининг эътирозига учраши аниқ. Лекин уни тошйраганда кўра ўз имконияти даражасида қайта ишлаш бир неча баробар кўп фойда бериши аниқланди. Америкалик мутахассислар яқинда бирлашмада бўлганларида узоқ-юзоқ, сифатсиз кабеллар ва симларни махсус машина ёрдамида мисни бир бўлак қилиш имкониятини маслаҳат бериб, бу ишда ёрдамлашишга ваъда бердилар. Шундай қилиб ширкатда чиқитиш технологиясини яна бир имконияти очилди.

— Биз имкони борича йўлни топиб, мутахассислар кўмагида келтириладиган, аниқроқ айтсан, «отиб олинмаётган» хом ашёнинг ҳар бир мисқолидан унумли фойдаланиб, даромад олишга ҳаракат қиламиз, — деди ширкат бошқарувининг раиси А. Раҳимжонов. — Яқин-яқинда, ширкат усулига ўтмасдан олдин сифатсиз, чиқиндилар маҳсулотлар тўлиб ётарди. Қайқа ташлашни билмай эрта уларнинг бир қисмини ҳарга кўмиб ҳам юборардик. Режа кетидан қувшиқ оқибатида кўп нарсани унутиб факат бир томонлама ҳаракат қилишга одатланиб қолгандик. Энди ундай даламларни факат афсус билан эслаймиз. Минглаб тонна материаллар бефойда тўнаб қолган. Ширкатта таъминотдан кейин ҳар қанча ўйлаб, 100 тонна сарф қилишга тўғри келди. Полэтилен солишган қоплар бўшатиладиган кейин ташлаб юбориларди ёки ахлатга қўшиб ёқиларди. Энди эса ҳар бирини 10 тиындан керакли ташкилот-

ларга сотаямиз, уларни келиб олиб кетишади. Қалтароқ кабелда ёки симларга ҳам чиқинди сифатида қараларди. Энди улардан ҳалқ истеъмолчи буюмлари тайёрлашга мумкин. Хоналарга электр қуввати ва телефон алоқаси ўтказиш учун симлар ишланапти.

Одатда полиэтиленлар бизга донадор майдаланган тош сифатида келтирилади. Улар махсус машинада эритилиб, конвейер усулида симларнинг устига қопланади. Агар улар ерга тўкилса ёки сифати бузилса ишлаб бўлмайди. Кўп йиллар давомида улар ҳам ахлатга ташлана келиди. Мутахассисларимиз ишлашга ярамай қолган ушбу маҳсулотларни эритиб кичик ҳажмдаги халталар ясашни ўзлаштиришди.

ашё бўлса бас, маҳсулотни ҳисоблаб олаверинг.

— Ширкатга ўтганимиздан кейин, — деб давом этди А. Раҳимжонов, — асосий эътиборни ишчиларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратдик. Дастлаб уларга турли хил камбە моллар, тансиқ озин-овқат маҳсулотлари келтириб турдик. Ишчиларнинг дам олиш уйлари, саёхатларга йўлаш қўлайди. Курорт шаҳарлар билан бевосита алоқа қилиб, кабел етказиб бериш ҳисобига дам олиш учун йўланмалар сотиб олдик.

Бу йил обуна наشرларининг нархи ошганлиги ҳисобига ишчиларга яна бир имтиёз яратилди. Улар обуна бўлими пўлининг 30 фоизини ширкат ҳисобидан тўлайди. Айни кунларда келгуси йил-

ганимиз йўқ. Бекор қолганларга ширкат ҳисобидан 250 сўмдан маош тўлади. Кейинчалик иш юришиб кетди. Хом ашё етиб келди. Камомад ҳам секин-аста қолди.

Ширкатчилар бу йилдан бошлаб қиллоқ ҳўжалиги билан ҳам шуғулланишмоқда. Орқонидеёқ ноғиронларнинг Ленин номли жамоа ҳўжалигида 6 гектар ерни ижарага олди. Албатта ҳўжалик унумдор, ҳосили қайнаб турган ерни бермайди. Ярим зах босиб, шўрлаб кетган ер атрофида зовур қазилди. Захи қочирилган 4 гектар ерга шафтоли экилди. 2 гектарда картошка ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. Шунингдек бу ерда 70 бош қорамол боқилдиган ферма ташкил этиляпти. Яқинда Қозғистоннинг Жамбул вилоятидан 20 бош қорамол келтирилади. Асосан соғин ситирлар ва новослар боқилдиган ферма маҳсулотлари ишчиларга сотилади. Ситирлар сутни қаймоғи олинмаган ҳўлда келтирилади, новосларнинг гўшлари охинонда иссиқ овқатлар пиширишга асқотлади. Шафтолилар ҳосилига киргач, ширин шакар неъматлар ҳам биринчи гадар ширкатчилар дастурхонини бегайди.

Шунингдек, «Алоқачи» ширкатида кўндуз боқиб ҳам йўлга қўйилган. Бирлашма ҳудудига ҳўзини кўнда 500 та қимматбаҳо мўйнали жонивор парвартиляпти. Ситирлар бўйида ижарага олинган жойда ҳам мўйналик йўлга қўйилди. 4 минг бош жонивор боқилдиган қичи ферма келгуси йилда тўла ишга тушади.

— Бу ёрдамчи ҳўжаликларни ташкил этишдан мақсадимиз, — деди сўзининг ниҳосида ширкат бошқарувининг раиси, — асосий ишдан овоз қилинганларни юмуш билан таъминлаш. Иккинчидан, озин-овқат таъминотида озгина бўлсада ишчи-хизматчиларга мадад бериш. Буларнинг ҳаммаси учун сарф-харajatлар қилинапти. Албатта келгусида мўмай даромад олишимизга умид бор. Зеро, иқтисодий тараққиётнинг асосий омил ҳам ҳарajat мўмай даромад келтиришини талаб этади.

С. ШАМСИДИНОВ.

ХАРАЖАТ ВА ДАРОМАД

Ширкатчилар келгуси йилда яна бир янги маҳсулот тайёрлашга киришадилар. Бу ерда пашага қарши қўлланиладиган восита тайёрланади. Ана шундай қорғозларни ишлаб чиқариш билан ширкат йилга 500—600 миң сўм даромад олиши кўзда тутилмоқда.

Асосан узоқ ва яқин масофадаги алоқа йўллари учун кабеллар тайёрланадиган ширкатда маҳсулотнинг бир қисмини ҳалқ истеъмолчи буюмлари ташкил этади. Елим халтачалар ва паша дори қорғозлар ишлаб чиқариш билан унинг ҳажми яна кўпаяди.

Умуман янги усулда ишлашни ширкатнинг ҳамма ишчи ва хизматчилари мамнунлиги билан қайд этмоқдалар. Айни кунларда уларнинг маоши бундан 2—3 йил аввалгига нисбатан деярли икки баравар ошди. Ишчиларнинг самарали ва сифатли меҳнат қилишларининг омил уларга бўлган эътиборнинг кучайиши моддий рағбатлантиришни ошириши эътиборига кирган эди. Амаллаб режа баъзилардан участкаларда тошйриқни бажариш муаммо эмас, ҳам

дан бошлаб ишчи ва хизматчиларнинг болалари учун боғча пулини ҳам келатган соғ фойда ҳисобидан тўлашни режалаштирляпти.

— Кўнгина саноат қорғозларидан ширкат усулига ўтиш билан ишчилар сонини қисқартириш муаммоси туғилди, сизларда бу масала қандай ҳал этиляпти?

— Очининг айтганда, ширкат қаршичи биз дастлаб ширкатга ўтган вақтдаёқ мўлақалланган эди. Лекин биз бу усулни қўлламадик. Ишлаб чиқариш участкаларини кенгайтириш, янги ишчиларни ташкил этиш ҳисобига ишчиларни бир юмушдан бошқасига ўтказдик. Завод эшигидан кириб келган ҳар бир кишида, ишлайман, оилани боқаман, рўзгор тебратаман деган умид бўлади. Ипчининг вазифасидан бўшатишдан олдин унинг аҳолини тушуниш керак. Унинг ортда бутун бир оила бор. Шу йил оида ширкатимизда иш деярли тўхтаб қолди. Хом ашё йўқлигидан ишчилар бекор қолди. Қарийб 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмади. Лекин биз бирорта кишини ишдан бўшат-

ССЖИ ва Япония халқлари икки томонлама муносабатлари яхшилашга, маълуматларни ўртақлаштиришга, алоқаларини ривожлантиришга яқинлиқ билан иштирокчилар. Октябр ойининг охирида ТАСС ва Киодо Цусин ахборот агентликлари биргаликда жамоатчилик фикрини сўраб билиш юзасидан ўтказган тадбир шунинг кўрсатида. «ССЖИ билан Япония ўртасидаги муносабатлар яхшиланганига умиднинг борини» деган саволга Совет Иттифиқида сўралган кишиларнинг 84,2 фоизи (Ўзбекистонда 84 фоиз) ва Японияда 88,7 фоиз тасдиқ жавобини бердилар.

Бу умидлар маълум даражада ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг келаси йил апрелда Японияга режалаштирилган ташрифи билан боғлиқдир. Бу олий совет раҳбарининг мамлакатларимиз муносабатлари тарихидagi биринчи ташрифи бўлади. Ҳозирги социология тадқиқоти ССЖИдаги қатнашчиларнинг яримдан кўпроги ва Япониядаги қатнашчиларнинг тўртдан уч қисми бўлажак ташриф «совет — япон муносабатларида янги дор бошлангичда имкон беришини» айтдилар. Ўзбекистонда сўралган кишиларнинг 61,8 фоизи шундай деб ҳисобламоқда.

Бу гаги тадбир ТАСС билан Киодо Цусин кейинги икки ярим йил ичида совет ва япон жамоатчилиги қайфиятини биргаликда тадқиқ этиш юзасидан ўтказган иккинчи тадбир ҳисобланади. Бундай тадбир ССЖИда Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Қозғистон, Ўзбекистон, Грузия, Молдова, Қирғизистон, Эстония ҳудудларида ўтказилди. Японияда — 10 та маъмурий-иқтисодий ноҳияларга ажратилган бутун мамлакат бўйлаб ўтказилди. Икки агентлик аҳолининг икки томонлама муносабатларининг турли жиҳатларига, ССЖИдаги ўзгаришларга, халқро ҳаётдаги ўзгаришларга таллуқли маълумотлардан тузган саволлардан

турли ёшдаги ва турли касбдаги совет ва япон фуқаролари — ишчилар ва хизматчилар, деҳқонлар, ва талабалар, қордонлар, ҳарбий хизматчилар, пенсионерлар ва ҳатто ишсизлар ҳам жавоб беришди. Бу тадбирда 2625 нафар совет ва 1945 нафар япон фуқароси иштирок этди.

Савол-жавоб совет кишиларнинг кўпчилиги Японияга ва японияликларга нисбатан дўстона муносабатда эканликларини кўрсатди. Ўзбекистонда сўралган кишиларнинг 79,9 фоизи ва умуман ССЖИда 82,9 фоизи шу фикрни айтдилар. Японияликлар

маълум бўлишича, энг аввало Совет Иттифиқида ўтказилган тўб сийёсий қозилотлар ҳамда унинг таъсири остида халқро аҳоли соғломлашганлиги билан боғлиқдир. Савол-жавобда қатнашган японларнинг 74 фоизи ўзларининг ССЖИга нисбатан муносабатлари қайта кўриш йилларидан яхшироқ бўлганини айтди. 82,7 фоиз эса М. С. Горбачев фаолиятига ижобий баҳо бердилар. Савол-жавобда қатнашган японларнинг атиги 5 фоизи қайта кўриш муваффақиятсизликка учрайдиган деб ҳисобламоқда.

Шарҳчи сатрлари

НИЯТИНГ — ЙЎЛДОШИНГ

нинг сўров варақасидаги бу саволга беришган жавоблар тўғрисидаги маълумот биринчи қарашда анча жўн кўринади: саволга жавоб берган кишиларнинг 42,4 фоизи ССЖИ ва совет кишиларига нисбатан яхши муносабатда эканликларини айтганлар, 34,2 фоизи эса қарши фикр билдирганлар. Лекин, 1988 йилнинг февралда, дастлабки савол-жавоб тадбири ўтказилганда унда қатнашган японияликларнинг атиги 17,6 фоизи мамлакатимизга ўзларининг яхши муносабатларини айтишганди. Масаланинг кўнундаги жиҳатини ҳам таъкидлаш зарур: кўп йиллар ичида биринчи марта совет кишиларига нисбатан яхши муносабат билдирган японлар сонини бу гаел анча кўп бўлди. Бу аниқсиз 20—30 ёшлар атрофидаги ёшларга тегишлидир. Уларнинг яримдан кўпроги ССЖИга яхши муносабатда эканликларини айтдилар. Япон жамоатчилиги қайфиятида ижобий ўзгаришларнинг сабаби, ҳозирги савол-жавоб натижаларидан

Тадқиқотнинг факат япониялик қатнашчиларга беришган саволларга қайтарилган жавоблардан маълум бўлишича, Япония ороллариининг аҳолиси кескинлигини янада юмшатишга, Осн — Тинч океани минтақасидаги ҳарбий тангликни пасайтиришга интилоқчилар. Сўралган кишиларнинг 73,1 фоизи Япония, АҚШ, Хитой, Жанулий Корея, КХДР ва ССЖИ ўртасида қурол-ароқларни, шу жумладан ядро қуроли билан ҳарбий-денгиз кучларини қисқартириш юзасидан музокаралар бошланганини ёқлаб чиқдилар. Сўралган кишиларнинг 87,1 фоизи у ёки бу тарзда Япониянинг мудофаа имкониятлари янада муқтақамлашишга қарши фикр айтдилар.

Савол-жавоб натижалари совет кишилари ҳам, японлар ҳам Фарб эндиликда Совет Иттифиқини ўз муҳолифи деб ҳисоблашганига ва унга ёрдам кўрсатишга тайёр эканлиги тўғрисида Фарб мамлакатлари раҳбарларининг айтган гапларини ижобий қабул қилдилар. ССЖИда сў-

раган кишиларнинг 79,5 фоизи (Ўзбекистонда 83,3 фоиз) ва Японияда 72,8 фоиз бу ҳавфни «кучли» деб ҳисоблаётганини айтди. Ҳар қанча мамлакатдаги тадқиқот қатнашчиларининг фикрига қараганда, совет-япон иқтисодий алоқаларини кенгайтириш учун кўшма қорғоналар ташкил этиш, фарм-техника ҳамкорлигини аниқлаштириш, Сибирь ва Узоқ Шарқ ресурсларини ўзлаштириш ҳамкорлигининг жуда қўлай шакллари ҳисобланади.

Айни вақтда «совуқ уруш» музликларидан из ҳам қолмади, деб айтиш мумкин

лакатимизнинг бошқа кўпчилик ерларидан фарқида ўлароқ, Ўзбекистонда ҳеч ким бу ҳавфни «кучли» деб ҳисоблаётгани йўқ. Тадқиқот натижалари икки томонлама муносабатларнинг Қуриль маржон ороллари жанубий қисмидаги түрт орол — «шимолий ҳудуд» лар муаммоси сингари масаласига, савол-жавобда қатнашган япон ва совет кишилари тўтган йўлда катта тафовут борлигини кўрсатди. Маълумки, Япония ана шу ороллар ўзига давлдор эканлигини айтиб, Совет Иттифиқида даъво қилмоқда. Айни вақтда японияликларнинг

46 фоизи бу оролларни «Японияга бир йўла қайтариб бериш» кераклигини айтдилар. ССЖИда сўралган кишиларнинг атиги 9,8 фоизи (Ўзбекистонда 2,8 фоиз) шундай фикр билдирди. Совет Иттифиқидан савол-жавобда қатнашган кишиларнинг учдан бир қисмидан кўпроги бу масалага нисбатан ўз муносабатларини аниқ белгилай олмадилар. Японияликларнинг 43,4 фоизи ва совет кишиларининг 37,5 фоизи «ҳудудий масала» совет-япон муносабатларини яхшилаш жараёнида ҳал этилиши кераклигини ёқлаб чиқдилар.

Савол-жавоб натижалари яхши қабул қилинапти. Савол-жавобда қатнашганларнинг 59 фоизи бу тадбирни тўла ред эттиди. (Мамлакатда бу кўрсаткич умуман 40,2 фоизни ташкил этади). Ўзбекистонда сўралган кишиларнинг атиги 9 фоизи нарҳлар давлат аралашуви эркин шаклланиши керак, деган фикрга розилик билдиришди.

[ТАСС].



«Саволатли» сўз сўйиш вақтларида японияликларнинг ўзаро сўхбатларида тез-тез учрайдиган бўлиб қолди, рўзномалар ва ойнамалар саҳифаларида қўзда ташланади, радио орқали янграмоқда. Чиндан ҳам Япония ороллариининг аҳолиси саволатли масалаларга жиддий қарайди. Ўсиб бораётган японияликларнинг дори-дармонларга қизиқиши кўпроқ, истеъмол қилишга ҳаракат қилишади. Лукиллаб ютуриш, одатдаги эрталабик бадан тарбия, сузиш, куч шилатиладиган гимнастика, аэробика, спорт расвлари тора оммавийлашиб борапти. Бошқача қилиб айтганда, оролнинг соғломлаштириш, кундалик ҳордиқин чўра фойдаланишга ҳаракат қилишяпти.

ТАСС сурати.

Ёдномалар

СЕРҚИРРА И ЖОДКОР

ЎЗБЕК санъатининг ёрқин намоёнаси, ССЖИ халқ артисти Раззоқ Ҳамроев ҳаёт бўлганларида 80 баҳорни қаршилаган бўларди...

...Ёш Раззоқ билим юртини тугатгач, она тили ва адабиёт муаллими сифатида Немаманг шаҳрига келади. Бу ерда у тузган драма гуруҳи асосида 1931 йили А. Навоий номидаги Немаманг драма театри ташкил топади...

1940 йили Раззоқ ака ҳаётида қувончли давларга бой бўлди. У бир гуруҳ кўза кўринган режиссёрлар билан бирга Москвага ўқишга юборилди...

Саҳнада еамарали ижод этиб келатган санъаткор 1943 йили яна бир янги оламга қадам қўйди. Уша йили Раззоқ акани Тошкент бадиий фильмлар киностудиясида суратта олинажак «Тоҳир ва Зухра» режиссёр Н. Ганиев) кинофильмидаги Нозим ролини ўйнаш учун тавлиф этишди...

Экранда талқин этган илк қиёфасининг муваффақияти унн кино санъатига узилмас ришталар билан боғлаб қўйди.

Шундан кейин Раззоқ ака ўзбек кинорежиссёрлари томонидан яратилаётган қатор фильмларда роллар ижро эта бошлади. Жумладан, «Насриддиннинг саргузаштлари», «Алишер Навоий», «Сайёд қўнироғи», «Ҳамза», «Абу Райҳон Беруний», «Фурқат» каби картиналарда турли-туман қиёфалар яратиб ўзбек актёрлик санъатининг шаклланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Раззоқ Ҳамроевнинг жумҳуриятимиз саҳна санъатининг ривожига ролли ҳам беҳис. Кейинги йилларда у пойтахтдаги Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида ҳам бир қатор ўзига хос сиймолар яратиб, томошабинлар таҳсинига сазовор бўлган. Жумладан, «Фарҳод ва Ширин»да Хисрав образини, «Отин қўлда Ҳамдам», «Жон қизларда раис», «Муқимий»да Муқимий, «Ун иккинчи кеча»да Мальвалию, «Фарғона тон отгучи»да Тешабой ва «Навоий Астро-болда» спектаклида Навоий каби бетакор қиёфаларни яратиб ўзбек театр санъатига чуқур из қолдирди.

Раззоқ Ҳамроев ҳар бир ролга чуқур ёндашган, хоҳ кино, хоҳ театр бўлсин қаҳрамоннинг кечинималарини ўз қиёфасида муфассал тавсифлаётган оладиган серирира ижодкор эди. У ишнинг хорижда ва Ватанимиз киностудияларида ишланган фильмларнинг ўзбек тилида табиий жаранглашида ҳам қўшган ҳиссаларини тавқийлаш жоиз.

Умуман, Раззоқ Ҳамроев театр ва кино санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган, ўзининг бутун куч ва маҳоратини жумҳуриятимиз маданиятининг юксак поғонага кўтарилиши, хорижда ҳам шухрат қозониши йўлида сарф этган фидойи инсон эди. Ҳозирги кунда ўзбек киноси ва театрида унинг бир қанча шогирд ва издошлари самарали меҳнат қилаётирлар.

Р. Ҳамроев умрининг сўнгги кунларига Муқимий номи мусиқали театрида бош режиссёр ҳамда Тошкент театр ва рафосчилик санъати илмгоҳида ҳам хўр мураббий сифатида санъатимиз билан ҳамнафаслашди, ижод этди. Халқ ичидан чиққан ёш иштидорлардан қўлидан келган ёрдамни аямади. Санъаткорлардан қўлидан келган ёрдамни аямади. Санъаткорларнинг тинимсиз меҳнатлари, изанишлари ва санъатимиз ривожига қўшган хиссалари беиз кетмади. Раззоқ Ҳамроев режиссёр Номил Ерматовнинг «Алишер Навоий» (1948 йил) фильмида бош ролни ижро этгани учун ССЖИ Давлат мукофотига сазовор бўлган. Шунингдек, «Ўтган кунлар» фильмидаги Мирзакарим қўтидор қиёфаси учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти билан тақдирланди. Давлатимизнинг бу юксак мукофотлари албатта санъаткорнинг юксак истеъдодига берилган улкан баҳо эди.

Санъатимизнинг ёрқин намоёндалари қаторида Раззоқ Ҳамроевнинг ҳам номи халқимизнинг ёдидан ҳеч қачон кўтарилмайди.

Сўхбатдада НОРХҲАЕВ, кино ходими.



СУРАТДА: Раззоқ Ҳамроев «Кекса устанинг васиятлари» фильмида.

ҲАР ШАНБАДА

Ҳа, ҳафтанинг ҳар шанба кунин бу билим масканида қизил ва ёнқил бир ҳолатнинг гувоҳи бўласиз. Гап шундаки шу кунни бу ерда ҳамма бахोल куларат ўзбек тилида сўзлашга ҳаракат қилади. Билим юрти директори Руслан Константинович Тян билан гаплашиб унинг ўзбек тилида жуда чиройли сўзлашга қойил қоласиз.

Ҳа, Тошкент шаҳридаги 3-хунар-техника билим юртида давлат тилига катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда иккита тўғарак ишлаб турибди. Билим маскани раҳбарияти ва муаллимлар жамоаси учун ўзбек тили курси ташкил этилган бўлиб, унга кекса ва моҳир мураббий Матлуба она Тўхтаева раҳбарлик қилмоқда. Бу тўғарак ҳар ҳафтанинг учинчи ва бешинчи кунлари ўз машғулотларини мунтазам равишда ўтказиб турибди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу ерда ўзбек тилида қаршидан ташқари бир қанча мавзулардаги деворий рўзномалар ва бошқа ёзувлар ҳам давлат тилида чинарилмоқда.

Хунар маскани бўлган бу ўқув юртида турли милаҳатта мансуб ёшлар тахсил кўришмоқда. Бу ерда жумҳуриятимиздан ташқари қардош Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистон жумҳуриятларидан ҳам ёшлар келишиб билим эгалламоқдалар. Тошкент кишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи, Ўзбекистон ССЖ нефть маҳсулотлари Давлат қўмитасига қарашли корхоналар учун ма-лакали ишчи кадрлар етказиб бериш жамоа олдида турган муҳим вазифалардир.

Абдурасул ДУСТМУРDOV, Тошкент шаҳридаги 3-хунар-техника билим юрти-нинг ходими.



Кулинг дўстлар, умрингиз узун бўлади Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.

БОР ГАП ШУ

Ҳажвия

МЕН нима! Ҳу, ана, одамлардан сўранг. Бултурги жанжалдан бери жимгина яшайман сувдаги баландик. Отам кўчанинг у бетига жимгина, мен кўчанинг бу бетига жимгина. Отам ҳам сувдаги баландик, мен ҳам сувдаги баландик, ҳеч ким билан ишим йўқ. Э-э, сиз ҳали қўшқларнинг гапига ишонасизми, гражданин начальник! Улар ола ҳаққа-отам иккимизнинг гийбатимизни қилгани қилган. Гўё бошқа ишлари йўқдек. Биз нима, тегмас тағмайиз, тўғрими, ўртоқ начальник! Оиламиз ҳам ҳамма оналардек. Тўғри, сингилларимнинг харак-терлари тезроқ, бўлар-бўлмас мейналарга ўхшаб жанжал қилиб турмишда, Бекор айтибсиз. Ҳаммаки сиздан эмасмиз. Ана, бултур кичкина синглим тарих мал-лимнинг қўлини уриб синдирганда ҳеч нима қила олмайдиганлар-ку. У, ўша мал-лимчангиз менинг қўлимга тушмади-да. Бир хумор қилиб дўпослар эдим. Узингиз уйланг: синглимга, доскага чиқ деган, чиқ-қан. Қадимги дунё харитасидан Киев русининг ерини кўрсат, дебди. Синглим харита-дан Киев русининг ерини кўрсатаётганда унинг нозик ерини ушлабди, номерд. Синглим ҳам ўйлаб ўтирмай дераздаги гуддон билан уриб қўлини синдирди. Янгитдан келган-да, бизларнинг кимлиги-мизни билмади. Бўлмас қадимги дунё тарихининг харитасидан Киев русининг ерини кўрсатаётганда шу ишни қилмади! Ана ёлгон гапиряпис, ўртоқ начальник! Бизнинг кишлоққа юборган участкавойлар-рингизнинг барисини тутиб олиб ургансан деб қўяётган даввойнигиз асосиз. Мана, масалан, бурноғи йили юборган участка-войингизни чертганим ҳам йўқ. Ҳа, оти нима эди! Тилимингиз учунда турибдию лекин эспломаялман. Ахир ўзингиз ҳам ҳар йили кираз этдикде алмаштириб тур-сангиз улран, эсда қоладими! Ҳа, эсда-дим, лақаби закуска. Топдим. Ҳе, ҳе. Доим тўпонача соладиган қопчигига туз-ланган бодринг солиб юрарди-ку, ўша. Роса улфат йигит эдида, хумлар. Тўғри, сизлар-да шундай яхши йигитлар кўп ишлади. Лекин сиз иккинчи ичида унинг чангига ҳам етолмайсиз. Мен-ку, Баробар ичол-масдим.

Тоғам иккимиз итдек ичдик. Лекин тушдан кейин бинойидек тўйга киядиган костю-мини кийиб клубга бордим. Ҳар галгидек биринчи қаторга жойлашиб ўтириб, цирк бошланганини кута бошладим. Ниҳоят, бошланди. Саводхон итдан кейин илон аял чиқди, саҳнага. Айтқилги йўқ, шарман-да. Мен сизга айтсам, начальник, манави ерда бир парча латта ва пастиди шапало-дек латта. Бошқа кийими йўқ. Кишлоқ эркакларининг оғзи очилиб қолди. Мен ҳам ўшалар қатори. Енимда ўтирган чолинг ясама тиши полга қарсиллаб тушмаганда хушимга келмас эдим. Мен шунда ўз фикримни айтдим. — Тур, йўқол, заиф. Бор, иштонингни кийиб чиқ. Бизнинг ки-лоққа бу хунарнинг кетмади. Уйингга Бориб эрининг олдига шўйтиб чиқарсан, — деб қойиб бердим. Аял ялонгоч, қуй-мичини пикиллашиб ларда ортита ўтиб кетди. Кейин тош кўтарган полдон чиқди. Мен яна ўз фикримни айтдим. — Тошларинг Барис тешик, ичи тўла аплика, икки пудлик тошларинг икки кило-ям чиқмайди, — деб бақириб қолдим. Кишлоқ эркаклари мени «Томошани бузма» деб сўка бошлади. Чунки мен илон аялини саҳнадан қувиб юборганимни улар ўлса ҳам кечира олмас эди-да. Мен ҳам бўш келмадим. Ишонмасанглр чиқиб биро-винг кўтариб кўринглр дедим. Лекин полдон шоша-пиша тошларини олиб саҳна-ни тарк этди. Кейин ўша муттахам кўз бойлогич чиқди. Ух, қўлимга тушар-да бирор ерда. Чидиди, мени саҳнага чеки-риб қаққайтириб қўйиб роса шармандами чиқарди. Қайнонамнинг олдида буринидан ип ўтказиб оғзимдан сугуриб олди. Чидидим. Янги костюмимни ифлос қилса ҳам чидадим. Кўйнимдан тирик товук сугуриб олиб елкамга қўндириб қўйди, чидадим. Лекин оғзимнинг орасидан тухум сугуриб олиб кишлоқ аёлларига кўрсатганида чи-дай олмадим. Узингиз ўйланг, қайнонам ҳам томошага келган. Шу, товукни елкам-дан олдику кўз бойлогичнинг башарасига солиб қолдим. Кишлоқ эркаклари саҳнага боштириб чиқиб мени дўпослай кетишди. Сабаби ўзингизга маълум. Кишлоқимиз аёллари ҳам бўш келишмади. Мен томонда туриб эрларини юмдалай кетишди. Чунки ўша юзасизни саҳнадан ҳайдеб тўғри қилган эмишман.

Ана цирк, ана томоша. Мени ўзингиз биласиз, баҳорда шехсан ўзингизга тилхат берганман инсон эотини урмайман деб. Шунинг учун тўртта стул ва битта ромни синдирдим. Бор гап шу.

Хуррам ШЕРМАТОВ.




ХАЛҚИМИЗ азалдан кулгисевар. Шу сабабли бирор-бир тўй ёки тантана йўқ-ки, қизиқчи ёки аскиячиси ўтса. Кейин-ги пайтларда ушбу анъаналар жуда гуркирамоқда. Қўплаб аския кечалари, қизиқчилик талловлари ўтказилмоқ-да.

жумҳуриятимизнинг барча вилоятлари-дан келган ёш, иқтидорли кулги устала-ри қатнашди. Ҳакамлар ҳайъатидан ўрни олган кекса кулги усталари тал-лов қатнашчилари маҳоратига муносиб баҳо беришди.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лав-ҳалар.

В. Тўраев суратлари.



ИНГЛИЗ ХАНДАЛАРИ

Ўғли: Дада, бир вақтлар колледждан ҳайдалганлигингизни айтган эдингиз-а? ОТА: Ҳа, айтгандим. Ўғил: (кичкина) Мен ҳам ўша нунга етиб келдим.

РЕПОРТЕР: Хоним, айтингчи, профессор кундалини ишини нимадан бошлайди? ПРОФЕССОРНИНГ ХОТИНИ: Кўзойнақ кидиришдан.

САРТАРОШ: Кечирасиз, инаноб, бош ийимингизни қўлиб қўйсангиз бўларди.

ПАРИШОХТИР: Узр, сэр, мен бу ерга нимага келганим-ни унутибман.

ҲАМШИРА: Беморлардан тушликда нима овқат еганлини-ларини нега сўрайсиз?

ЁШ ШИФОКОР: Уларнинг жавобидан, қандай дори ёзиб беришни билиб оламанд-да.

НАЗОРАТЧИ... патта олганларни текшираётиб, илзи ухлаб қолган кишига тушди: — Жаноб туринг, ухламанг.

— Ухлаётганим йўқ сэр, сизни нўрмаслим учун кўзинини атайин юмиб ётгандим.

МИРШАБ гувоҳдан исмини сўради: — Жон Смиз, — жавоб қайтарди гувоҳ. — Сен менга ҳақиқийсини айт, — бақирди миршаб.

— Ундай бўлса, Уильям Шенспир. — Мана бу бошқа гап, — мамун иккимизда миршаб, — сен мени қардайди «Жон Смизман» деб лақиллата олмайсан.

ТАНҚИДЧИ: О, қандай гўзал, қандай таъсирчан! РАССОМ: Нималар депсиз! Ахир бу сурат эмас, бўёқ чўт-каларини тозалайдиган қоғоз-ку!

ОТА: Қуёш ботиши тасвирланган суратни менинг қизим чизган. Жуда чиройли-а?

ДУСТИ: Анойибликна, анойиб-ку, ленин шу ёшга кириб кўёшнинг қоқ пешинда ботишини сира кўрмаганман.

МИСТЕР БРАУН: Хотинимнинг сиймосини таъсирли қилиб чизиб бера олмайсизми?

РАССОМ: Уни шундай тасвирлайин, ҳар нўрганда бир са-раб тушинг.

Инглизчадан Ойпошша ҲОШИМОВА таржимаси.

Айниддин ака. Дўстлар, турли ойнасуларни (руқун, мавзу) тилга олиб, «Келинг, бир кулишайлик»

Убайдулла. Ҳаётимизда учрайдиган баъзи бир хатолар ва камчиликлар кўзга ик-кўл кўриниб қолди. Фарзанд-лар билан «Тарбия мазунида» кўпроқ сўхбат ўтказасак, «Иж-новат содир бўлади» деб юр-мас эдик.

Фозилжон ака. Кўпчилик ўқувчиларимизнинг билим са-вийси жуذا паст, қанчогача «Оз-оз ўрганб доно бўлу» деб лоқайд юрамиз, ахир «Инсон одоби билан», били-ми билан гўзалку.

Жалолиддин. Усмирлар билан «Ҳар тўғрида» гаплашиш кун тартибидоги муҳим маса-ла, айниқса, «Ахлоқ мазуни-да» кўпроқ сўхбат қилиш ке-рак.

Айниддин ака. Тарбия мас-саласи суст бўлгани учун «Шаҳримизга доғ тушираёт-ганлар» кўпайиб кетди.

Убайдулла. «Оқшом сўхбат-лари» чоғида «Дунё воқеа-лари» хусусида тўхталиш ва «Педагог масала»га ҳам амал қилишимиз керак.

Фозилжон ака. Ёшлар ўр-тасидаги жинотчиликнинг ол-дини олиш учун бир неча йилдан бери «Саксон ота ша-ҳар кезади».

Жалолиддин. Баъзи ота-она-лар ёш «боланинг тили ши-рин», катта бўлса қўйилиб қолар деб, эътиборсиз юр-гани учун «Суд залидан» йи-лаб кичаяпти.

Айниддин ака. Боланинг но-жўя ҳақти-ҳаракати кўнгилсиз оқибатларга албатта олиб боришни «Билиб қўйган ахши».

Убайдулла. Тарбия масала-сида ота-боболаримиздан биз-га мерос бўлиб қолган «Ҳик-матлар» ва ибрат қилиб кўр-

салларга ҳам эътиборлари-ни қаратишлари зарур.

Жалолиддин. Ота-онанинг фарзанд олдидаги масъуля-ти жуذا катта, улар «Диққат, диққат!» деб фарзандлар фик-рини ўзларига қаратиб «Дол-зарб мавзуда сўхбат» ўтқа-зишлари керак.

Айниддин ака. «Турли мам-лакатларда» турли воқеалар содир бўлмоқда, «Хориждан хабарлар» орасидан «Фан я-нгилликлари» ва «Маданият ба-барларини» ҳам фарзандлар-

намуна олиши мақсадга му-вофиқдир.

Айниддин ака. Баъзи чай-қовчилар «Харидорлар диқ-қатига» эътиборни қаратиб, ўз гўдакларига «Шингил қўжоялар» ўқиб беришни ун-ити қўйишмоқда.

Убайдулла. Айрим ҳоллар-да киши бошига ўлим туш-ганда ҳам, ўсимларнинг «Хандаларини» кўриб киши дашхатга тушади, улар «Кино ва театрда», «Реклама ва эълонлар» ўқибгани йўқ-ку.

Фозилжон ака. Ҳалол меҳ-нат қилишга бўйини ёр бе-рмайдиган ишқамас ва таке-салтанглр кўпроқ жинотга кўл урмоқда, ваҳоланки жуذا кўп завод ва фабрикалар ёш-ларни «Ишга тақлиф этади», улар ишга жойлашиб, «Минг бир касб» эгаси бўлиши мум-кин.

Жалолиддин. «Тарих саҳи-фаларини» арақлаганда жин-отчилик ва безорилик қа-моқ ёки ўлим билан тугагани маълум ҳақда «Қизқарли мавзу-мотага» эга бўламиз. Шунинг

Мусаввир табассуми



— Гуштининг овқатда иси бор-у ўзи кўримайдику, — Тезроқ тузаламан де-сангиз дори-дармон топ-ти-ри келишингизга тўғри ке-лади. отахон!

— Бу йил ҳам ўқишга кира олмасанг уйлантириб қўяман, билдингми? Ш. СУБХОНОВ, чизган расмлар.

ОЧИҚЧАСИГА СЎЗЛАШАЙЛИК

Масал

Ҳамма ҳайвон ўрмонда, Ялангличка келиши. Ошкоралиқни роса, Муҳокама қилиши. Бўри сўз олиб деди: — Ўртоқлар, қани қимлар. Қайта кўрдн ўзини? Қулоқ солинг гапимга деб бошладн сўзини. Қўй-қўйга тегмайман, Қўлайсинлар дедиман. Ишминн қайта қуриб, Семиз қўчқор еялман. Жаранглади пўх қулги. Минбарга чиққач тулки: — Менга ҳам эй ўртоқлар, Инсоф бергандай бироз. Товуққа қарагум йўқ, Лекин қутилмас хўроз. — Қулоқ солинг халойиқ, Деди шу чода айиқ. — Мени эски касал, Қада қилмайман асал. Мушук деди мивлаб. — Чармадимн сичқон овлаб. Минбарда шер керлиди. Унга ҳам сўз берилди. — Ҳали денгиздан Самарқанд виллояти, Иш-томчи, томчи. Жами қилган ишимиз, Саралаб емоқ дозим, Бутун ҳамма тишимиз, Биз ҳам ўз ишимизни Жадал қайта қурайлик Ҳарна топган ўлжани, Бирга баҳам қурайлик Шундай қилиб «очиқча» Дўстлар сўзлаша олдик Майлис ёпиқ хайр энди, Дам олинг чарчаб қолдик. Нуриддин ЯҲЕЕВ, Самарқанд виллояти, Иш-тихон ноҳияси.

АЛИШЕР НАВОЙИЙ ЮБИЛЕЙИГА

АДИБ НОМИ БЕРИЛДИ



© Санъатга йўл шундай бошланади. Р. Альбеков сурат-лаҳаси.

НАВОЙИЙ НОМЛИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий туғилган кунининг 550 йиллигига бағишланади

4, 5, 18 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ПРЕМЬЕРА

«АЛИШЕР НАВОЙИЙ»

(3 парда, 6 кўринишли опера)

УИҒУН ва И. СУЛТОННИНГ «АЛИШЕР НАВОЙИЙ» пьесаси асосида М. БУРХОНОВ либреттоси.

МУСИҚА РАҲБАРИ ВА ДИРИЖЕР — Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриясида хизмат кўрсатган санъат арбоби Ф. ТҶУЛАГАНОВ.

САХНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти совриндори Б. ЙҮЛДОШЕВ.

РЕЖИССЕР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган санъат арбоби О. УЗОҚОВ.

РАССОМ — Ўзбекистон ССЖ ва Қорақалпоғистон Мухтор жумҳуриясида хизмат кўрсатган санъат арбоби Т. ШОРАҲИМОВ.

Хормейстерлар — Л. ШИЛЬКРУТ, М. ЯНДРИНСКАЯ.

БАЛЕТМЕЙСТЕР — ССЖИ халқ артисти, ССЖИ Давлат мукофоти ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти лауреати Г. ИЗМАЙЛОВА.

БАЛЕТ КОСТЮМЛАРИ РАССОМИ — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган маданият ходими ССЖИ Давлат мукофоти совриндори З. КУРИШ.

КОНЦЕРТМЕЙСТЕРЛАР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист С. ПАРКОВА, Н. ВОЛОХ.

Региссёр ёрдамчиси — Х. ХУЖАЕВ.

РОЛЛАРИНИ ИЖРО ЭТУВЧИЛАР:

НАВОЙИЙ — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Т. ХУСАНОВ, Ш. ҒАФУРОВ.

ГУЛИ — Жумҳурият вокалчилар тивлови совриндори Ш. ТҶУХТАБОВА, Ю. АБДУЛЛАЕВА, М. МАМАТОВА.

ХУСАЙН БОЙҚАРО — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист А. БОЗОРОВ, Ш. ЗИЯМУҲАМЕДОВ.

МАЖИДИДДИН — М. МЕЛИЕВ, Р. ДАДАБОВЕВ.

Читалар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

1990 йил 22 декабрдан

1991 йил 14 январгача

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУНИ

ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

«ЦИРҚДА АРЧА»

ЯНГИ ЙИЛ АРЧА БАЙРАМИ ТОМОШАЛАРИ

Томошада Қорбоқ, Қорқиз ва эртан қаҳрамонлари, шунингдек ўргатилган ҳайвонлар ҳам қатнашадилар.

ТОМОШАЛАР

22 декабрда — соат 16, 19.00 да.

23 декабрда — соат 12, 15, 18.00 да.

24—29 декабрда — соат 10, 12, 14.30, 17, 19.00 да.

30 декабрда — соат 17, 19.30 да.

31 декабрда — соат 17.00 да.

1 январда — соат 10.00 да.

1—7 январда — соат 17, 19.30 да.

8—13 январда — соат 10, 12, 14.30, 17, 19.30 да бошланади.

Нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан олдиндан патталар сотиш ташқиқ этилган. Пул ўтказиш учун соат 10.00 дан 18.00 гача 1 декабрдан ёзилми мумкин.

Касса ҳар кун соат 10.00 дан 20.00 гача ишлабди.

100 дан зиёд патталарга бўлган буюртмалар ноҳия касаларида ниш жойларига хизмат кўрсатади.

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-84, администратор — 44-29-04, 44-35-91.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирилик

М. Корнелубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОИИДА

5, 6 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ХАЛҚ АРТИСТИ

Қамолддин РАҲИМОВ

КОНЦЕРТИ

Программани УТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.

Читалар саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

30 НОЯБРЬ, 1, 2 ДЕКАБРЬ СОАТ 16 ВА 19.00 ДА

БАСТАКОР АНДРЕЙ ЛИТИЯГИН СТУДИЯСИ

МАШҲУР «САРОБ» (Якнахон хонандаси — Татьяна Освеенко), «БАХМАЛ МАВСУМ» (Якнахон хонандаси — Анастолья Ильин) гуруҳлари иштирокида тузилган

ЯНГИ ДАСТУРНИ НАМОНИШ ҚИЛАДИ

Читалар Марказий «ЮБИЛЕЙ» спорт зали кассаларида ва «УЗСПОРТКОНЦЕРТ» бирлашмасида сотилади.

Маълумотлар олиш учун телефон: 39-47-22.

Оммавий талабномалар қабул қилинмоқда.

ЮБИЛЕЙ КОМИССИЯСИНING

кеңгайтирилган мажлисида Ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига тавбғарлик кўриш масалалари муҳокама қилинди.

Комиссиянинг маъсул котиби, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси қўлёзмалар илмгоҳининг директори А. П. Қаномов жумҳурият олимлари шоир меросини ўрганиш юзасидан олиб бораётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Алишер Навоий асарларининг Ўзбек тилидаги йигирма илмдлик тўплами нашр қилина бошланди. Унинг рус тилидаги асарлари тўплами «Навоий» энциклопедияси.

«Хамса»нинг факсимил нашри, шонинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги илмий-оммабоп китобчалар туркуми нашрга тайёрланмоқда. ССЖИ Фанлар академияси билан биргаликда А. Навоий ижодида бағишлаб Тошкент, Москва, Самарқанд, Ленинград ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ўтказилган илмий сессияларга тавбғарлик кўришмоқда.

Тошкентдаги Навоий театри олдидаги майдонни қайта қуриш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинмоқда. Бу ерда шоир ҳайкалини ўрнатиш режалаштирилган. Ҳайкал лойиҳасини конкурс асосида танлаш ишлари сустр бораётганлиги тавбғарлик кўришмоқда.

Узбекистон ССЖ Академики Катта театри сахнасида очилган «Пәде-де» Бутуниттифоқ фестивалига энг машҳур сахна «Юлдузлари» тўплами. Кўрик П. И. Чайковский тўғрисида кўришнинг 150 йиллигига бағишланган. Шунинг учун ҳам бу фестивал «Оққуш кўли» спектакли билан бошланди.

Томошанинг ўзига хос томони шунда бўладики, унинг ҳар бир кўринишида мамлакатимиз турли шаҳарларидан келган артистлар бир-бирлари билан ўрин алмашиб турдилар. Улар спектаклни чинакам рақс байрамига айлантириб юбордиши.

— Кўришга қийинчиликларга қарамай, биз фестивал ўтказиш гоҳсини амалга оширишга муваффақ бўлдик, — деди унинг очилми маросимида ташкилот кўмитасининг раиси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раҳбири Вернора Қориева. — Балет — бу фаройиб ва ажиб санъатдир. Мусиқа ва рақс тили нихотда хилма-хил миллатларга мажсуб кишиларни бирлаштиришга, уларга жўшқинлик ва гўзаллик туғдириш бахш этишга қодир.

Утказилган бу кўрик санъатининг ушбу турига ҳаёт бағишлайди, деб умид қиламиз.

Фестивал беш кун давом этади. П. БУРОВ, УЗАГ мутабири.

БАЛЕТ «ЮЛДУЗЛАР»НИ ТЎПЛАМОҚДА

Узбекистон ССЖ Академики Катта театри сахнасида очилган «Пәде-де» Бутуниттифоқ фестивалига энг машҳур сахна «Юлдузлари» тўплами. Кўрик П. И. Чайковский тўғрисида кўришнинг 150 йиллигига бағишланган. Шунинг учун ҳам бу фестивал «Оққуш кўли» спектакли билан бошланди.

Томошанинг ўзига хос томони шунда бўладики, унинг ҳар бир кўринишида мамлакатимиз турли шаҳарларидан келган артистлар бир-бирлари билан ўрин алмашиб турдилар. Улар спектаклни чинакам рақс байрамига айлантириб юбордиши.

— Кўришга қийинчиликларга қарамай, биз фестивал ўтказиш гоҳсини амалга оширишга муваффақ бўлдик, — деди унинг очилми маросимида ташкилот кўмитасининг раиси, Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раҳбири Вернора Қориева. — Балет — бу фаройиб ва ажиб санъатдир. Мусиқа ва рақс тили нихотда хилма-хил миллатларга мажсуб кишиларни бирлаштиришга, уларга жўшқинлик ва гўзаллик туғдириш бахш этишга қодир.

Утказилган бу кўрик санъатининг ушбу турига ҳаёт бағишлайди, деб умид қиламиз.

Фестивал беш кун давом этади. П. БУРОВ, УЗАГ мутабири.

ТИЖОРАТ ЖАБАРАЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАПТА УҚИТИШ ВА КАСБГА ЙУНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«КРАСНОВОСТОЧНОЕ» ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИГА:

трамвай, троллейбус ҳайдовчилари, электр ускуналарни таъмирлаш бўйича электрчи-чилангарлар, Трамвай, троллейбус ҳайдовчиларини тайёрлайдиган курсларга қабул эълон қилинади.

Елғизларга ётоқхонадан жўли берилди.

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»нинг «ОТДЕЛСТРОЙ» ТРЕСТИГА:

бош ҳисобчи, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи, молиячилар, машинистка, бўёқчилар, сувоқчилар, дурадгорлар.

«ПРОМСТРОИИНДУСТРИЯ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

қўлда пайвандловчи электр пайвандчилар, кўприкчи кран машинистлари, гипс қорувчи операторлар, қопчи-чилар, карнасларни йиғувчилар, арматура турлари ва карнасларни пайванд қилувчилар, электр пайвандловчилар, моторчилар, транспортчилар, бульдозерчилар, хизмат буюмларининг фаррошлари.

«КРАСНОХОЛМСГЕОЛОГИЯ» ГЕОЛОГИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

конларда очқи ҳолда иш олиб бориш тажрибасига эга бўлган кон муҳандислари, токарлар, темирчилар, асбосоз-чилангарлар, қурувчи-муҳандислар, қурувчи-техниклар, гишт терувчилар, дурадгорлар газ-электр пайвандчилар, сувоқчи-бўёқчилар, монтажчилар, қонинловчилар, бетончилар, ёрдамчи ишчилар.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУИДАГИ НОҲИЯ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БУЛИМЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

КУБИШЕВ НОҲИЯСИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

ФРУНЗЕ НОҲИЯСИ — Ш. Руставели кўчаси, 87-уй.

ОКТАБР НОҲИЯСИ — У. Юсуфов кўчаси, 3-уй.

НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

ДЕКАБРЬ ОИИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 декабрда — БУТУНИТТИФОҚ БАЛЕТ ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КАТТА КОНЦЕРТИ.

2 декабрда — ЧИПОЛЛИНО (12.00), БУТУНИТТИФОҚ БАЛЕТ ФЕСТИВАЛИНИНГ ЯКУНЛОВЧИ КАТТА КОНЦЕРТИ (19.00).

4 декабрда — АЛИШЕР НАВОЙИЙ (премьер).

5 декабрда — АЛИШЕР НАВОЙИЙ (премьер).

6 декабрда — ФАУСТ.

7 декабрда — РАЙМОНДА.

8 декабрда — ЧИО-ЧИО-САН.

9 декабрда — КОПЕЛЛИЯ (12.00), СЕВГИ ТУМОРИ (19.00).

12 декабрда — КОРСАР.

13 декабрда — ОТЕЛЛО.

14 декабрда — ДУНЕНИНГ ЯРАТИЛИШИ.

15 декабрда — РИГОЛЕТТО.

16 декабрда — ОЛОВИДДИННИНГ СЕҲРЛИ ЧИРОҒИ (12.00), ЖИЗЕЛЬ (19.00).

19 декабрда — ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ОПЕРА СТУДИЯСИНING СПЕКТАКЛИ — ТРАВИАТА.

20 декабрда — УИКУДАГИ ГҶЗАЛ.

20 декабрда — ТОШКЕНТ ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ОПЕРА СТУДИЯСИНING СПЕКТАКЛИ — ГОФМАН ЭРТАКЛАРИ.

21 декабрда — ОҚҚУШ КҶЛИ.

22 декабрда — ФЛОРИЯ ТОСКА.

23 декабрда — ЗОЛУШКА (12.00), МАСХАРАВОЗЛАР (19.00).

25 декабрда — ЗЕБУННИСО.

26 декабрда — ОҚҚУШ КҶЛИ.

Кундузги спектакллар соат 12.00 да, кечки спектакллар соат 19.00 да бошланади. Танаффус соат 15 дан 16.00 гача.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 33-90-81, 33-33-22.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА

9, 10, 13, 22, 23, 29, 30 ДЕКАБРДА СОАТ 19.00 ДА

Ботир МУҲАММАДУЖАЕВ.

«ДАРДИМИН АЙТАМАН, КУЛАСИЗМИ?»

(КУЛГИ КЕЧАСИ)

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎзССЖда хизмат кўрсатган артист — ШУҲРАТ РАСУЛОВ

артистлар: Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори — МЕҲМОНИЛИ САЛИМОВ.

Р. СОЛИХОВ, Б. ХОЛМИРАЕВ, Х. ТҶУХТАЕВ, Е. ҚУЛМАТОВ, З. МИРЗАБОВА, Г. МИРЗАЖОНОВА, М. БЕКЧОНОВА, З. БОЙХОНОВА ва БОШҚАЛАР.

Саҳналаштирувчи режиссёр ва сценарий муаллифи: «ҚИЗИҚЧИ — 89» теливизион совриндори Ботир МУҲАММАДУЖАЕВ.

Патталар сотилмоқда.

Узбекистон ССЖ театр арбоблари уюшмаси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ

1,2 ДЕКАБРЬ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА

«ЎЗБЕКИСТОН ЮЛДУЗЛАРИ» ТЕАТР СТУДИЯСИНING

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

«НАВО» АНСАМБЛИ

хонандалар: Қумуш РАЗЗОҚОВА, Ҳасанбек ва Хусанбек ЖҶРАЕВЛАР.

Ансамблининг бадий раҳбири — В. БАРАМИКОВ.

ДОНИ ИЛҶАСОВ ГРУППАСИ

хонандалар: Маъмура ҚҶРБОНОВА, Фазалятдин ХОЛМУРОДОВ;

ҚИЗИҚЧИЛАР:

ОБИД АСОМОВ, БОЛТАБОВ ТОШМАТОВ.

Концерт ҳомийси «ОСНЕ» ассоциацияси.

Дастурни Ўзбекистон телевидениесининг директори Раҳматулла МИРЗАЕВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан ишлабди.

ЖАМОА БУЎРТМАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг телефонлар: 32-35-53, 45-92-13.

3 ДЕКАБрдАН ШАҲАР ЭКРАНЛАРИДА

ГОНКОНГ КИНЕМАТОГРАФИЛАРИНИНГ

«КУНГ-ФУ МАРВАРИДИ, ЕКИ АЖАЛ КЕЛТИРУВЧИ

ЗАРБА»

ЯНГИ УТКИР КЕЧИНМАЛИ БАДИИЙ ФИЛЬМИ

НАМОНИШ ЭТИЛАДИ

Цзя-фу кинокомпанияси маъсулоти, Гонконг. Ролларда: Анжела Мао, Чен-Финг, Картер Лонг. Режиссёр — Хуан Фан.

Фильмдаги воқеалар бизнинг эраимизда, XVII асрнинг иккинчи ярмида бўлиб ўтади. Император оиласининг шаҳзодаларидан бири яширин равишда будда ёлгорлигини муқаддас марваридни икки қўти қўйма олтинга сотади. Қадимги Будда ибодатхонасининг ёш монахи ана шу ёлгорлиқни сақлаб қолиш учун курашга киришади.

Кинофильмларни ижарага бериш Тошкент шаҳар идораси.

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ

РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ПОЙАБЗАЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОИИ

1991 йил 1 январдан 10 январгача

Болаларнинг янги йил томошаларини ўтказиш.

БАЙРАМ ДАСТУРИДА:

— янги арча атрофида сеvimли эртан қаҳрамонлари иштирокида театрлаштирилган оммавий ўйинлар;

— сахнада янги йил томошалари;

— мультфильмлар;

— нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан совғаси бўлган патталарни сотиш тадбирлари ўрин олган.

Томошалар: соат 10, 12, 14, 16, 18.00 да бошланади.

Манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Бобур кўчаси (аввалги Б. Хмельницкий кўчаси), 4-уй.

Телефон — 54-38-96.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

СИЗЛАРИНИ КИРОВ НОҲИЯСИ УЛГҶРЖИ-ЧАҚАНА МЕВА-САБЗАВОТ КОМБИНАТИ

8—9 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ

«ДЕҲҚОНБОБОГА РАҲМАТ»

НОМЛИ ЯКУНЛОВЧИ ТАНЛОВ

САВДО ЯРМАРКАСИГА

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ярмарка Дзержинский номи майдонда ўтказилади.

Ярмарка соат 10 дан 18 гача ишлабди. Харидорларнинг фикр-мулоҳазалари